

Азиз дўстлар! Барчангизни кўлга киритган улкан меҳнат гала-бангиз - давлатга 263 минг тоннадан зиёд сара дон етказиб бериб, галла сотиш бўйича шартнома режасини муваффақиятли бажарганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Шукроналик билан таъкидлаш жоизки, 2005 йил юртимиз галлакорлари учун кут-баракали келди. Вилоят ва туманлардан кетма-кет келиб турган меҳнат зафарлари ҳақидаги хушxabарлар ҳам буни тасдиқлайди. Бундай дамларда захматкаш деҳқонларимизни кутлаш, уларнинг қувончига шерик бўлиш кўпчилик қатори менга ҳам катта мамнуният бағишлайди.

Жумладан, ўзига хос мураккаб шароитда белни маҳкам боғлаб меҳнат қилаётган, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ишни замон талаблари асосида ташкил этаётган Фарғона ахлининг бугунги салмоқли ютуғи ҳам барчамизни хурсанд қилади.

Сизлар эришган бу галаба замирида азалдан деҳқончилик соҳасида шухрат қозониб келаётган фарғоналик миришкорларнинг ерга меҳрини бериб, ер билан тиллашиб ишлаш фазилатлари, бой тажриба ва аъёналарни илгор агротехника усуллари, илм-фан ютуқлари асосида уйғунлаштиришга бўлган интилиши, эътият билан қилган ҳалол меҳнати мужассам, десақ, янглишмаган бўлиши.

Ишончим комилки, вилоят меҳнаткашлари бу йил қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам юксак натижаларга эришиб, мамлакатимиз равнақи ва тарққиётига, дастурхонларимиз тўқинлиги, халқимиз фаровонлигига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

Фурсатдан фойдаланиб, Фарғона гуллатиб-яшнатаётган, уни то маънода олтин водийга айлантираётган сиздек олижаноб ва мард деҳқонларимизни, ернинг ҳақиқий эгаси бўлган фермер ва пудратчиларни, моҳир механизаторларни кўлга киритилган муваффақият билан яна бир бор кутлаб, барчангизга сихат-саломатлик, хонадонларингизга бахту саодат, файзу барака тилайман.

Захматкаш кўлларингиз асло дард қўрмасин, ҳаммиша омон бўлинг, кадрдонларим!

Ислом КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 29 июн, чоршанба № 102 (1943)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ПРЕЗИДЕНТ МОСКВАГА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 июн куни амалий ташриф билан Россия Федерацияси пойтахти Москва шаҳрига жўнаб кетди.

Россия Ўзбекистоннинг муҳим стратегик ҳамкорларидан биридир. Икки мамлакат ўртасида турли соҳалардаги алоқалар тобора мустаҳкамланиб бораётди. Утган йили Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ўзаро товар айланмаси 1 миллиард 641,9 миллион, жорий йилнинг биринчи чорагида эса 428,7 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. Мамлакатимизда Россия билан ҳамкорликда ташкил этилган 360 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. 2004 йил Тошкентда икки давлат президенти имзолаган Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома бу борадаги ҳамкорликнинг янада ривожланишида муҳим аҳамият касб этаётди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Москвага ташрифи чоғида Россия Федерацияси Президентини Владимир Путин билан ўзаро ҳамкорликнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари ҳақидаги, минтақавий хавфсизлики таъминлаш, халқаро террорчиликка қарши курашда биргаликдаги ҳаракатлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги масалаларни муҳофизат этиш режалаштирилган.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ РАҲБАРЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

Москва, 28 июн. ЎЗА махсус муҳбири Анвар Бобоев хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Россия Федерацияси биноан бугун амалий ташриф билан Москвага келди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу куни Россия Федерацияси Президентини Владимир Путин билан ўзаро ҳамкорликнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари ҳақидаги, минтақавий хавфсизлики таъминлаш, халқаро террорчиликка қарши курашда биргаликдаги ҳаракатлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги масалаларни муҳофизат этиш режалаштирилган.

Президентлар ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари юзасидан атрофлича фикр алмашдилар. Ҳамкорликни кенгайтириш борасида томонларнинг ҳамфикрлиги, қарашларнинг муштараклиги муҳим аҳамиятга эга эканлиги кайд этилди. Минтақавий хавфсизлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш масалалари Ислом Каримов ва Владимир Путиннинг диққат марказида бўлди. Ўзбекистон раҳбари Россия Президентига 13 май куни Андижон шаҳрида рўй берган фожиали воқеалар ҳамда ушбу жиноят юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ҳақида сўзлаб берди. Россия раҳбарияти ушбу муаммага ҳолис ёндашганини, вазиятни тўғри баҳолаганини таъкидлади.

Президентлар томонлари қизиқтирган халқаро ҳаётга оид муаммолар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Россия Федерациясига амалий ташрифи давом этмоқда.

Қонун ва ижро

«Бешкент» ширкат хўжалиги аъзоси Қўзйовий Хосилов билан суҳбатлашиб турибмиз. Руҳи теги, кайфияти аъло. Халқ банкида шахсий ҳисоб рақами очиб, жамғариб бориладиган пенсия дафтари олибди.

Қўзйовий ақалининг яна бир ҳақиқати Очил Норқулов Собир Раҳимов номли ширкат хўжалиги ишчиси Нурат Муртазаев, «Радиатор» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасидан Отаназар Қодиров, Яхши Омонов номли ширкат хўжалигидан Сайдулла Ҳазратов сингарилар ҳам Қарши туманида биринчилардан бўлиб ҳисоб varaқаларини очилди. Пенсия дафтари олибди.

шароитларини яхшилаш учун масъулият ҳиссини кучайтиради. Жорий йил бошидан буён амал қилаётган қонун ҳар бир кишига тааллуқли. У барча юридик шахслар — иш берувчилар, мулк шаклидан қатъий назар корхоналарда ёлланиб ишловчи фуқаролар, фермер хўжаликлари аъзолари учун мажбурий. Шу боис тумандаги 1652 та катта-кичик

ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ДАФТАРЧАСИ

риван кўнгиллари тўқ. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ жорий йилнинг 1 январидан бошлаб, мамлакатимизда амалдаги давлат пенсия тизими-га қўшимча равишдан янги жамғариб бориладиган пенсия таъминоти жорий этилди. Фуқароларнинг турмуш даражасини янада фаровонлаштиришга қаратилган бу муҳим тadbир ҳар бир инсон учун кексайган чоғида қафолатланган моддий замин яратди.

корхоналар ва фермер хўжаликларида фаолият кўрсатаётган 18 мингдан ортиқ фуқаро янги тизимга жалб қилинди.

Қашқадарё вилояти Халқ банки филиалларида жамғариб бориладиган пенсия ҳисобларини юритиш ва назорат қилиш шўъбалари очилиб, малакали ходимлар ва компьютер техникаси билан таъминланди. Мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда сайёр-ҳаракатлар ижобий натижа берди. Воҳадаги 26 минг 246 та корхона ва ташкилотда ишлайдиган 284 минг 658 нафар ходим томонидан тақдим этилган анкета сўровномалари асосида ҳисоб рақамлари очилиб, жамғариб бориладиган пенсия дафтаридаги тақдим этилди. Айниқса, 3 мингга яқин ишчи-хизматчи фаолият кўрсатаётган Шўртан газ-кимё маъмуиси, 2 мингдан ортиқ ходим ишлайдиган Муборак газни қайта ишлаш заводи жамоалари, Қарши шаҳар, Китоб, Ғузор туманларида ишлар яхши йўлга қўйилган.

Жамғариб бориладиган пенсия дафтари очилиб, оғаларига тарқатилди. Ҳар бир кишининг ҳисоб рақамлари ойма-ой бадаллар уқтазилиб, бандаги компьютер дастурига кирим қилиб бориляпти. Юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳолда фаолият кўрсатаётган тadbиркорлар, деҳқон хўжалиги аъзолари, уй бекалари, вақтинча ишламайдиган кишиларнинг пенсия тизимидаги иштироки ихтиёрийлик асосида амалга ошириляпти.

Корхоналар ва фермер хўжаликларида фаолият кўрсатаётган 18 мингдан ортиқ фуқаро янги тизимга жалб қилинди.

«Еши улуг инсонларни ижтимоий химоялаш ва моддий қўллаб-қувватлаш республикамиз раҳбарияти юритаётган сисбатининг устувор йўналиши ҳисобланади», - дейди Халқ банкнинг Яққабоб туман бўлими бошқарувчиси Э.Тилолов. «Янги қонун пенсия таъминоти ҳуқуқини мустаҳкамлаш, нафақахўрларга қўшимча ҳақ тўлаш ҳисоби-га даромадларини ошириш учун шароит яратди. Шунинг билан бирга иш берувчиларда пенсия ёшига етган ходимларнинг моддий

Н.НИШОНОВ



Нўкус туманидаги «Кердёр» ширкат хўжалиги галлакорлари ўрим мавсумидан унумли фойдаланиш, ҳосилни ўз вақтида нест-нобуд қилмасдан йиғиб олишга астойдил киришган. Жорий йили жамоа 1450 гектар майдонда галла парваришлади. Ҳазир бу ерда ўрим



мавсуми қизгин паллада. Марра эса 2030 тонна ҳосил йиғишди. Суратларда: галлакорлар иш фаолиятида.

Б.АЛЛАШЕВ (ЎЗА) олган суратлар

ХИРМОН БАРАКАСИ

Фарғона вилояти галлакорлари ҳам мамлакатимизда илгорлар қаторида давлатга дон сотиш шартнома режасини бажардилар. Қабул пунктларига 263 минг тоннадан зиёд галла етказиб берилди. Ҳосилдорлик ўртача 47 центнерни ташкил этди. Ҳосилнинг 25 минг 400 тоннаси уруғликдир.

Вилоят галла хирмони юксалишига Олтиарик, Бешариқ, Бувайда, Учқўприк, Тошлоқ, Фуркат туманлари муносиб ҳисса қўшди. Олтиарик туманининг «Зилха», «Повулгон», Алишер Навоий номидаги, Бешариқ туманининг Бешариқ, Ўзбекистон, Адиробод, Мустақиллик ширкат хўжа-



ликлари ҳосилдорлигини 75 центнерга етказди. Фермер хўжаликларининг хирмонга қўшган улushi айниқса катта бўлди.

Галла мавсумига пухта ҳозирлик қўрилган боис барча туманларда ўрим қизгин олиб борилди. Ўримда 400 та комбайн юқори унум билан ишлатилди. Махсус штаблар тузилиб, ёнғин ва нобудгарчиликка қарши назорат ишлари кучайтирилди. Дон қабул қилиш шохобчаларида ҳам иш самарали ташкил этилди.

(ЎЗА)

Таҳлил

мандаги кам таъминланган ва ота-она қарамоғисиз қолган етим болаларнинг 15 нафари бепул дам олишлари кўзда тутилади.

Ҳозирги кунда шахар ташқари-сида 4 та, шахарда 2 та оромгоҳ мавжуд. «Юлдуз» ва «Найка» деб номланган бу оромгоҳлар Шимолий кон бошқармасига қарашли бўлиб 3-, 10-мактабларда жойлашган.

Табиики, бу ҳали режа. «Холва деган билан оғиз чучимади». Қолаверса, оромгоҳ йўлланмасини сотиб олишга ҳамма чорвадор оилаларнинг қарзи етармиклиги. Туман агроасаноат мажмуи ходимлари касба уюшма Кенгаши раисининг айтишича, касба уюшма ҳисобидан болалар туғул, ишлов-чиларни дам олдириш, соғломлаштиришнинг ҳам иложи йўқ. Битим ёки жамоа шартномасининг амалда ижроси бўлмаса кимга фойда. Мана бир неча йилдирки, уюшма ҳисоб рақами даярли қўл-қуруқ.

Биз бўлган «Жузукуд» ширкат хўжалигида зоотехник бўлиб ишлайдиган Марс Ерманов ҳам касба уюшма раислигига ўтган йили сайланибди. Касба уюшма ишчиси қандай юртишини билмайди. На методик, на амалий ёрдам олган бу кўйинчак йиғит хайриятки ижтимоий химоя сўраб келганларга маъмурият билан келишиб баҳоли қудрат моддий ёрдам кўрсатмоқда. Касба-бақўм ва маъмурият ўртасида жамоа шартномаси тузилганда, 2005 йил давомида на бирон ишловчи, на болаларни дам олдириш кўзда тутилган.

Ҳўш, бунга ким айбдор. Тармоқ вилоят касба уюшма кенгашининг туман ҳокимлигига мавжуд аҳолини яхшилаш, касба уюшма фаолиятини жонлантириш, бунинг учун бадалларни йиғишга ва улاردан ишловчиларни ижтимоий химоялашга йўналтириш бўйича ёрдам сўраб кетган мурожаатлари самарасиз қилмоқда. Қарс икки кўндан. Хамма гап фаол ҳамкорликда. Нуротода, Томдида бу ҳамкорлик давлат механизмининг мустаҳкамлашга, одамларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий химоялашга самарали хизмат қилаётгани. Учқудда нега ундай эмас?

Ялғош САРИЕВ, Соҳиба АБЪЗАМОВА, «Ишонч» мухбирлари

ЧўЛ ХУДУДЛАРИДА ЧОРВАДОРЛАР ФАРАНДЛАРИНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШГА ҚАНДАЙ МУНОСАБАТДА БўЛИНЯПТИ

рига Егесинава. - Биринчи навбатда 80 бола дам олдирилмоқда. Мавсум охирида улар сони 220 нафарга етади. Ота-онани йўлланма пулларидан чўчимаса ҳам бўлади. Барча сарф-харажат ҳар йили хўжалик ҳисобидан қопланмоқда.

Оромгоҳда болаларнинг мириқиб хордик чикаришлари, уйин-кулги қилишлари учун барча имкониятлар бор. Айниқса, миллий либослар кунлари ва танловлари. «Оқшом юлдузлари» мусика уйинлари, «Кўёшли юрт болалари» расм кўриқ-танловлари, «моҳир кўлар» кўргаз-маси, «Омад» лотерея уйинларининг ташкил қилиниши болалар маданий сависини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Албатта, бу ердаги ҳаётни шахардаги ёки тоғ-кон металлургия комбинати оромгоҳлари билан тенглаштириб бўлмайди. Шунга қарамай ўзига хос ўзаул бу ердан болалар уйларига олам-олам таассурот билан қайтишди.

Учқудўқ - Навоидан қарий 300 километр олисликда жойлашган кончилар шахри, қазиб олинаётган руда, фидокорона меҳнат ҳисоби-га кончилар ҳаёти тўқис ва фаровон бўлиб бораётганини туман

ҳокимлиги биноси ёнидаги бозорнинг кун сайин янги-янги савдо расталари ҳисобига кенгайиб, ўзлашиб бораётганидан ҳам билиш мумкин. Шаҳардаги бежирим қилиб қурилган спорт мажмуалари, соғломлаштириш масканлари Шимолий кон бошқармасининг кончилар фарзандларига кўрсатаётган гам-хўрлиги белгиси. Илгари туманининг хозирги Алтинташ ширкат хўжалиги ҳудудида тоза сувли булоқ бор жойда «Ерлар ота» болалар оромгоҳи бўларди. Оромгоҳ ёпилиб кетди.

Ҳозир чорвадорлар фарзандлари қаерда дам олишаётган экан. Республика Вазирлар Маъжамасининг йиғилишдан сўнг туман ҳокимлиги ташаббуси ўз қўлига олиб, худди Конимех Томдидагидек чорвадорлар фарзандлари учун барча шарт-шароитларни яратадиган, де-

га учрашиб, ундан туман ҳокимлигининг болаларни ёзги соғломлаштириш бўйича белгиланган тadbир билан танишишга рухсат сўрадик. «Иш вақти туғди, деди у. Бу масала билан шуғулланганлар келиб бўлган. Эртага келинлар». Эртаси кун соат 3 гача ҳам тadbир топилавермади. У кимларгадир кўнгирак қилиб тadbирни келтиришни сўради. Айтгандай, ҳамсуҳбатимиз туманда агроасаноат мажмуи ходимлари касба уюшма қўмитаси борлигини ҳам, унинг раисини кимлигини ҳам билмас экан. Тумандаги болаларни ёзги соғломлаштириш билан Шимолий кон бошқармаси шуғулланармиш. Хўжаликларнинг қарзи олиб кетганимиз. Бунга асло эътироз йўқ. Ҳозир хайрли ишни ким қилиши эмас, болаларнинг дам олиши му-

ҳим. У ҳолда қанча чорвадор фарзандлари Шимолий кон бошқармаси ҳисобидан ёки унинг оромгоҳларида дам олдирилиши кўзда тутилган экан?

Тadbирларни олиб келишавермаган бу ҳужжат туман халқ таълими бўлимида эканини эшитганг, ХТБга боришга қарор қилдик. Вожа-жаб, бизга туман ҳокимлиги тadbирни дейишгани республика Халқ таълими вазирлигининг 2005 йил 31 мартдаги буйруғига асосан чикарилган Учқудўқ туман халқ таълимига қарашли таълим муассасаларида соғломлаштириш оромгоҳларини ёзги мавсумга тайёргарлиги бўйича маълумот бўлиб чиқди. Унга қараганда, 2004 - 2005 ўқув йили давомида тумандаги таълим муассасаларида 1-8-синфларда жами 6429 нафар ўқувчи ўқиган. Шулардан ёзги таътил даврида оромгоҳларда 5898 нафари дам олдирилган бўлиши режалаштирилган. Бу кўрсаткич жами ўқувчиларнинг 82,3 фоизини ташкил этади. Қолган ўқувчилар ёз давомида ўз қизиқчиларига қараб турли тўғараклар, спорт секцияларига, савҳатларга ва ота-оналари билан дам олишлари режалаштирилган экан. Дарвоқе, ту-

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ролини ошириш, оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, аёллар муаммоларини ҳал этишга қаратилган кенг камровли ишлар амалга ошириляпти.

Хусусан, Президентимизнинг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан Қашқадар вилоят ҳокимлигининг қарори қабул қилинди. Вилоятда иш билан банд бўлмаган хотин-қизларни сановат, кишлоқ хўжалиги, бозор ҳамда ижтимоий инфратузилма, кичик бизнес ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларга жалб этиш бўйича аниқ дастур тузилди. Кейинги икки йилда нафақат туман марказлари ва унинг атрофидаги ҳудудлар, балки олис кишлоқлардаги хотин-қизларни иш билан таъминлаш, даромадини кўпайтириш ва турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида муайян

Бир Фармон шарофати

корларга «Пахта Банк»дан 40 миллион, «Ипотeka» ва Халқ банкларидан 60 миллион сўм кредит ажратилди. Ил охиригача меҳнат ресурслари ҳисобидан 1070 та кам таъминланган оилаларга 450 миллион сўм кредит берилди. Деҳқон хўжаликлари учун эса 56 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Кейинги икки йилда хотин-қизлар учун 65,8 мингта иш ўрни яратилди. Зангиота қишлоғида яшовчи Шохмадан Маҳмудова 30 сотик майдондан бир йилда икки марта ҳосил оляпти. Тадбиркор аёл 3 йил муқаддам меҳнат бўлими орқали 500 минг сўм имтиёзли кредит олган эди. 2005-2007 йилларда молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан хотин-қизлар учун 65,8, 2005 йилда 21,8 мингта иш ўринлари барпо этилиши режалаштирилган. Ил бошидан бери ўтган даврни таҳлил қиладиган бўлсак, 1950 нафар хотин-қиз касаначилик фаолиятига жалб этилган. Утган даврда аёллар учун 10372 та янги иш ўринлари яратилган.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, солиқ, божхона тизими, савдо-сановат палатаси мутахассислари, «Тадбиркор аёл» уюмаси фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда жамиятнинг янгилашиш жараёнида хотин-қизларнинг ўрни қандай бўлиши керак мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди. – Дейди биз билан суҳбатда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиги Азамат Гавашов. – Аёлларга мўлжалланган иш ўринларини кўпайтириш, мақсадли ва имтиёзли кредитлар бериш қўлимни кенгайтириш, тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизларни кўллаб-қувватлаш бўйича аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди.

Республикамиз қурилиш майдонларида

Қўнғирот бунёдкорлари

Юртбошимизнинг «Капитал қурилишида иқтисодий ислохотларнинг янада чуқурлаштириши»даги Фармони тармоқда бозор муносабатларини тақомиллаштириш, субрат ишлари самардорлигини ошириш, буюртмаларни танлов савдолари асосида жойлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Қорақалпоғистоннинг шимолий туманларида қурилиш-усуналлаш ишлари кўлами кенгайиб бораёпти. Ҳозирги замон архитектураси ва шарқ меъморчилиги андозаларини бир-бирига уйғунлаштириш кўркам иморатлар барпо этиляпти.

«Қўнғиротқурилиш» масъулияти чекланган жамияти жорий йилнинг ўтган даврини юқори кўрсаткичлар билан якунлади. Янги иншоотлар барпо этиш, корхонани кенгайтириш, реконструкция қилиш, замонавийлаштириш, техника билан қайта жиҳозлаш, таъмирлаш, лойиҳа қидирув юмушларини ташкил этишда бирмунча ютуқлар қўлга киритилди. Утган даврда халқ хўжалигининг 12 та объектида 204 миллион 372 минг сўмлик қурилиш-усуналлаш ишлари бажарилди. Бу белгиланганидан бир ярим бараваргача кўп. Энг муҳими, буюртмачилар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилиб, қуриляётган ёки таъмирланаётган биноларнинг сифати-га алоҳида эътибор қаратилляпти. Айтиш жоизки, Қўнғирот шаҳрида 150 катновга мўлжалланган шифохона қурилишида меҳнат қилишмоқда. Улар туман марказида «Игитликгаз» корхонаси учун янги завод қуриб бердилар. Солиқ бошқармаси мазмурий биносини мукаммал таъмирдан чиқариш учун 109,4 миллион сўм капитал маблағ ўзлаштирилди. – Қўнғирот шаҳридаги 50-умумтаълим мактабининг тўлиқ таъмирлаш бўйича ўтказилган тендер савдоларида ютиб чиқдик, – дейди жамият раиси О.Орипов. – Лойиҳа қиймати 56,2 миллион сўмлик таълим масканни янги ўқув йилига қадар тўлиқ таъмирланди. Ҳозирги кунда мазкур билим масканида қурилиш ишлари қизғин оlib бориляпти. Қўйлибой Жонтурғун прораблик қилаётган участкада П.Сапарбоев ва М.Қўйлибоев бошлиқ бригадаларнинг бунёдкорлари астойдил тер тўкишляпти. Яна бир иншоот-лойиҳа қиймати 17 миллион 400 минг сўмлик 51-умум-

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК хотин-қизлар ижтимоий фаоллигини оширяпти

ишлар амалга оширилди. Воҳа меҳнат ресурсларининг 49,8 фоизини аёллар ташкил этади. Иқтисодиётнинг реал тармоқларида ишлаётганларнинг 45,7 фоизи хотин-қизлардир. Ававало, 170 минг оилада истиқомат қилаётган аёлларнинг бандлиги ўрғиниб чиқилди. Таҳлиллар натижасида сановат ишлаб чиқариш ривожланмаган ҳудудларда минглаб хотин-қизлар фақат уй-рўзғор юмушлари билан шуғулланаётганлиги аён бўлди. Ортирилган тажриба асосида «2005-2007 йилларда хотин-қизларни иш билан таъминлаш» дастури ишлаб чиқилиб, мавжуд 541 та фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига etkazилди. Кишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг аҳолини ишга жалб этиш йўналишлари, асосий кўрсаткичлари ижроси бўйича йиғин раиси, диний таълим ва маънавий-ахлоқий тарбия бўлими маслаҳатчиси, ҳудудга бириктирилган меҳнат инспекторлари масъул этиб тайинланди. Хар бир жойнинг ўзига хос аъёнчалари, касбий мойиллиги ва мавжуд имкониятларини инобатга олган ҳолда хотин-қизлар бандлиги муаммоси ҳал этиляпти. Вилоятнинг Шахрисабз, Китоб, Чирокчи, Яккабоғ, Ғузур ва Камаш туманларида фуқаролар оилавий бандлигини таъминлайдиган тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очилган. Чунинки, паррандачиликни ривожлантириш, уй шароитида ҳўжа етиштириш, қурқа, товуқ ва ўрдақ боқишга киришилган. Деҳқонбод туманида чорвачилик йўналишида қўй-эчки боқиш, Қарши шаҳри ва Касби, Миришкор, Косон туманларида миллий хунармандчилик, гилам туҳмар-

зарова ва турмуш ўртоғи Абдулла акалар рўзғорига лимон етиштиришдан 2-3 миллион сўм фойда келяпти. Эски Яккабоғ шаҳарчасида умргузаронлик қилаётган Бибисайда Искандарова сигир сотиб олиб, серқаймоқ сут етиштиряётган бўлса, Калақон қишлоғида Озода Ҳайитова парранда гўшти ва туҳум етиштиришни йўлга қўйган. Кишлоқда 30 дан зиёд хонадон паррандачилик билан машғул. Оилавий тадбиркорларнинг айтишларича, бир йилда 400 та парранда боққан киши 420 минг сўм даромад қилади. Қўриб турибсизки, қозон ҳам мой, чумич ҳам. Яккабоғ туманида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун 68,6 миллион сўм маблағ ажратилган бўлса, «Турон», «Кизил сув», «Турнабулоқ», «Хисор», Шароф Рашидов номли аҳоли зич яшайдиган хўжаликларда 4696 та деҳқон хўжаликлари ташкил этилиб, 3 минг гектарга яқин ер ажратилди. Деҳқон хўжаликларига 32,5 кичик бизнес субъектларига 40 миллион сўм кредит тарқатилди. Китоб туманида 2538 та иш ўрни яратилган бўлса, унинг қарийб 800 таси хотин-қизлар ҳиссасига тўғри келади. Тадбиркор Р.Ғофурова раҳбарлик қилаётган «Аёлга эҳтиром» корхонасида «Усто-шоғирд» усулида 32 нафар хотин-қиз касбга қайта ўқитилди. Улуғбек номли хўжаликда ташкил этилган «Карим улуг» ва «Одил улуг» деҳқон хўжаликлари ўзлари етиштирган маҳсулот ҳисобига кредитнинг 50 фоизини қоллашга эришдилар. «Бандлик» дастурини бажариш, ишсизликнинг олдини олишнинг асосий омилли, иқтисодий барча йўналишларида иш ўринлари яратилиши ҳисобланади. Иш билан таъминлашга қўмаклашувчи давлат жағмармаси маблағла-

И.СОМИДИНОВ



МУКАММАЛ ТАЪМИРДАН ЧИҚДИ

Бундан қарийб йигирма йил аввал қурилган Оқолтин туманидаги 17-мактаб биноси яроқсиз ҳолга келиб қолганди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан тасдиқланган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимни ривожлантириш давлат умумий миллий дастури доирасида жорий йилда 624 ўринли мазкур мактаб биноси ҳам мукаммал таъмирланадиган бўлди. Бунинг учун 86 миллион сўм маблағ ажратилди. Таъмирлаш ишларини вилоятдаги «Аброр А» кўптармоқли хусусий корхона жамоаси амалга оширмоқда. Шу вақтга қадар бинонинг томи бутунлай янгиланди. Мажлис залли, синф хоналари, ошхона ва спорт зали тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Мактаб биносининг ёритиш ва иситиш тармоғидаги камчиликлар ҳам барҳам топди. Эндиликда дастурга мувофиқ янги ўқув ҳамда спорт жиҳозлари олиб келиш мўлжалланмоқда. Компьютер ва лингафон хоналари ҳам бунёд этиляпти.

Қариси бор уйнинг баракаси бор. Шахрисабз туманидаги Чоршанбе қўғониди яшовчи Тош бобо Бердиев ва Йўлдош бобо Шоймардонвалар қарийб эллик йил меҳнат қилиб, нафақага чиқиди. Кишлоқ одамлари кексаларни доимо эъзозлашади. Отақонлар Яратганга шукрона қилиб, бахтли ҳаёт кечиримишмоқда.

С.ШАВКАТОВ олган сурат

ЯНА БИР КОЛЛЕЖ

Мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Айниқса, Юртбошимиз ташаббуси билан қуриляётган коллеж ва лицейларнинг салобатли бинолари юртимиз кўркіга кўрк бахш этмоқда. Бешарик тумани марказида қад ростлаётган иқтисодиёт коллежи ҳам мустақиллигимизнинг 14 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилади. – 900 нафар талабани бағрига оладиган коллежининг ўқув корпуси, баъзи ёрдамчи бинолари битиш арафасида, – дейди пудратчи ташкилот «Ишонч» компаниясининг бош муҳандиси М.Абдуллаев. – Шунингдек, қишки спорт зали, маъмурий бино, кутубхона зали қурилиши ҳам жадал бормоқда.

КЕЙИНГИ БОСҚИЧГА ЙЎЛЛАНМА Урганч шаҳрида Конституциянинг 13-йиллигига бағишланган умумтаълим мактаб-гимназияси марказидаги «Ишонч» вилоят босқичи якунланди. Унда туман ва шаҳарларда ўтказилган мусобақаларнинг ғолиблари қатнашди. Урганч шаҳрининг айланма йўли бўйлаб югуришда ҳар бир спортчи ўзининг бор маҳоратини ишга солиди. Муросасиз баҳсларда куч ва имкониятларини тўғри тақсимлаган спортчилар марафоннинг сўнги километрларида ҳаммадан ўзиб кетди. Беллашувда урганчлик Феруз Кубониев, қизлар баҳсида эса хоразмлик Хилола Юнусовалар ғолиб бўлишди. Ўғил болалар ўртасида энг юқори натижага эришган тўққизта спортчи, қизлар орасида эса тўрттаси Республика марафонини қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

П.МАХКОВА, «Ишонч» муҳбири

СУРЪАТ ВА СИФАТ

Тошкент вилоятининг сановат корхоналари томонидан жорий йилнинг беш ойи давомида 620,8 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ушбу суръати эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,2 фоизни ташкил этади. Айтиш жоизки, айрим маҳсулотлар республикада ишлаб чиқариляётган маҳсулотларнинг 80-90 фоизини ташкил этади. Қора металл, кўмир, электр энергия, минерал ўғитлар, қучланишли трансформаторлар, цемент, шифер, салқин ичимликлар шулар жумласидандир. Ишлаб чиқариляётган маҳсулотларнинг асосий қисми Олмалиқ тоғ металлургия комбинати, Ўзбекистон металлургия комбинати, «Кўмир», «Электромасанот», «Аммофос», «Ўзбекмаш» каби жамият ва уюмларнинг зиммасига тўғри келмоқда. Вилоятда озиқ-овқат моллари ишлаб чиқариш ҳажми эса 38,9 миллиард сўмни ташкил этади. «Туркистон-пресс»



Жиззах вилоятида кўллаб бинолар қад ростламоқда. Бу ерда айниқса мактаб, коллежлар қурилишига алоҳида эътибор берилляпти. Жорий йилда тўртта мактаб биноси янгидан бунёд этилмоқда. Бахмал, Зомин туманлари ҳамда Жиззах шаҳридаги кўзи ожизлар мактаб-интернати қурилиши жадал суръатларда олиб бориляпти. Бу борада «Камол» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари олиб бораётган ишлар мақтовга сазовордир. Улар 150 ўринли мактаб-интернатнинг янги

биноси ҳамда Жиззах туманидаги Хамид Олимжон номли 16-мактабда капитал таъмирлаш ишларини олиб боришмоқда.

Суратларда: мазкур билим маскани қурилишидан лавҳалар Б.НОРҚУЛОВ олган суратлар



Орамиздаги одамлар

Иштихонлик ўринбой ота осон йўлни танламади. Қир-қайлар бағридаги далалик майдондан 44 гектар ер олиб, фермер хўжалиги фаолиятини бошлаганида унинг бу ишдан энаси қотганлар ҳам бўлди. Чунки дашта деҳқончилик қилишига ҳар қим ҳам жазм этвермайдди.

ЎРИНБОЙ ФЕРМЕР ИБРАТИ

Ўтган йилларда бу ерда амалга оширилган ишларни чинакам фермерлик имкониятларини рўёбга чиқиши, ислохотларнинг самараси дейиш мумкин. Ота дастлаб иккита насос ўрнатиб, сувни 15 метр баландликдаги дашта оқадиган қилди. Артезиан қудуғи қаздириб, ичимлик суви чиқартирди. Ёшлар уй-жой кура бошлагач, газ қувуви ва электр тармоғини тўрттирди. Ҳозир ўттизга яқин хонадондан иборат мўъжазгина кишлоқ қад ростлаган. Унинг атрофида боғлар, тоқорларнинг мана шу фидойи одамлар бунёд этишган. Дашта сув чиқари-

гандан бери пахтачиликда ҳам мўл ҳосил етиштириляпти. Ғаллачиликдаги натижалар ҳам ёмон эмас. Утган йили фермер хўжалиги аъзолари 12 миллион сўм соф фойда олишди. Шунинг ўзидек фермерларнинг меҳнатидан далолат береди. Фермер ўтган йили республика тадбиркорларининг «Ташаббус» танловига иккинчи ўринга сазовор бўлди. Кишлоқда бошланғич мактаб биноси қурилишига ҳомийлик қилди. Даромадининг бир қисмини Митандани ҚВБни таъмирлашга ажратди. Х.ХАМРОЕВ

Бандлик дастури – амалда

Аҳолини иш билан таъминлаш дастури асосида Бағдод туманида бирмунча ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, меҳнат бўлими ҳокимият билан ҳамкорликда ярмаркаларни ташкил этишмоқда. Утган давр мобайнида ўтказилган ушбу тадбирлар натижасида 1159 та янги иш ўринлари яратилди.

Масалан, яқинда бўлиб ўтган «Бўш иш ўринлари» ярмаркасида 28 та корхона ва ташкилот 95 та иш ўринлари билан қатнашди. Унда иштирок этган 106 нафар фуқаронинг 71 нафари доимий ишга йўллана олди. 15 нафари эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди, қолганларига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Жорий йилда 30 нафар ёши қасбга ўқитиш режалаштирилган эди. Лекин ўтган беш ойи давомида

киши шу йўл билан ишли бўлди. Бўлим Президентимизнинг «Амнияти тўғрисида»ги Фармонига кўра муддатидан олдин озод бўш иш ўринлари ярмаркаси

П.МАХКОВА, «Ишонч» муҳбири

Бугдодан гектарига 54 центнердан, пахтадан 35 центнердан ҳосил кўтарган деҳқонларнинг даромадлари ёмон бўлмади. Ҳар ойда олиб турилган 25 минг сўмдан бўнак пулига қўшимча берилган мукофот пуллари ҳам қўшиб ҳисоблаганда йилнинг 10 ойига ўртача 45 минг сўмданга тўғри келди. 3 миллион 800 минг сўмдан пул қўшимча мукофот тарихисиде 32 нафар ишловчига тарқатилди. Бундан ташқари, иштироқчиларга ун, ўсимлик ёғи берилди.

Бу Бўка туманидаги "Ислоҳ" фермер хўжалиги аъзоларининг ўтган йилги мавсумда қилган меҳнатларидан кўрган манфаатлари эди. Хўжаликда бу йилги бугдод ҳосили мутахассислар томонидан ўтган йилдагидан кўпроқ бўлиши башорат қилинмоқда. Ўзга ниҳоллари ҳам қуёш нури-

Яхши ишлаб, яхши яшайтганлар

кин деҳқончилида тажриба ортириб, гектарлар самарадорлигини кўпайтириб бордилар. Меҳнатга яраша манфаатдорлиги уларнинг ҳўжалик аъзоларига тақсимланади. Хўжаликнинг ўз

ақилади. Кейинги 2 йилда ёрдамчи хўжалик ташкил этилиб, 10 бош бука боқилмоқда. Улар навбати билан сўйилиб, гўшти хўжалик аъзоларига тақсимланади. Хўжаликнинг ўз

оталиқ ёрдами кўлами кенгайиб бораёпти. Халқимизда бирники мингга, деган нақл бор. Жамоа томонидан 15-Меҳрибонлик уйига ҳар байрамда ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Туман футбол жамоасига ҳар йили бир миллион сўм маблағ ўтказилади. Маҳалладаги тиббиёт пунктига таъмирлаш ва айрим жиҳозлаш ишларида моддий ёрдам берилди. Мачит ва қабристонга ҳам оталиқ ёрдами берилди.

Т.ҲАЙДАРОВ,
"Ишонч" мухбири

ДЕҲҚОН ЧЕҲРАСИДА ТАБАССУМ

дан, деҳқон меҳнатидан баҳраманд бўлиб, яхши ривожланиб бораёпти.

Абдурашул Абдуразақов бошчилигидаги мазкур фермер хўжалиги 1991 йилда ташкил этилди. Хўжалик аъзолари аста-се-

Бугунги кунга келиб, у 42 гектар пахтазор, 22 гектар бугдойзор майдонларига эга. Ҳамма талабларга жавоб берадиган шинам дала шийони яқинида мевозор барпо этилган. Сабзавот ва полиз экинлари

ун тегирмони бўлиб, оила-сида моддий қийинчиликлар бўлганларга, тўй, маърака ўтказайтганларга ун, ўсимлик ёғи ажратилади.

Даромад ва ундан олинган фойда улуши ортиб боргани сари хайрия,

Саволларингизга

Гулнора Муродова
жавоб беради
ТўЛА ТУШУНЧА
БЕРИНГ

САВОЛ: кишлоқ хўжалигида ишлаган механизаторлардан қайсилари имтиёзли пенсияга чиқишлари мумкин?

М.ХОШИМОВА,
Пойарик тумани
ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11-майдаги 249-сонли қарори билан тасдиқланган 3-руйхатнинг XXXV бўлими II қисмида кишлоқ хўжалигида ишловчи айрим тоифа ходимларининг имтиёзли пенсияга чиқиши мумкин бўлган касблар санаб ўтилган. Унга кўра тракторчи-машинистлар, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда ташиш ишлари билан тўлиқ иш кўриш давомида банд бўлсалар умумий белгиланган ёшдан 5-йил олдин имтиёзли пенсияга чиқишлари мумкин бўлади.

Ушбу бўлимнинг III қисмига бинаман бўлдозорчи-машинист аёллар, йўл қурилиши ишларида юк ортиш ва ташиш билан боғлиқ машиналарда ишловчи машинист аёллар, эксковаторчи-машинист

«Ишонч»
хўжуқий

маслаҳатхонаси

аёллар, тракторчи аёллар ҳамда тракторчи-машинист аёллар умумий белгиланган ёшдан 5-йил олдин имтиёзли пенсия олиш ҳўжуқига эга бўладилар.

САВОЛ: мен бир неча йиллар ремонт қуришиш участкасида уста (мастер) вазифасида ишлаб келганман. Имтиёзли равишда 55 ёшдан пенсияга чиқишим мумкинми?

Г.РУСТАМОВА,
Гулистон тумани

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1994 йил 12 майда тасдиқланган ёшга доир имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳўжуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва курсаткичларнинг 3-руйхати XXVIII-қисмида қурилиш ва монтаж ишларида ишловчи усталар имтиёзли пенсия олиш ҳўжуқига эга эканлиги белгиланган.

Бироқ, қурилиш участкаларида уста (мастер) бўлиб ишлаган шахслар ушбу руйхатда назарда тутилмаган.

САВОЛ: меҳнат фаолиятим давомида узок йиллар мактабда тренер бўлиб ишладим. Имтиёзли пенсияга чиқишим мумкинми?

М.МИРАЗИМОВА,
Гулистон шаҳри

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддаси "к" бандига асосан ўқитувчилар ва бошқа маориф ходимлари махсус иш стажига камиде 25 йил бўлган тақдирда имтиёзли пенсия олиш ҳўжуқига эга бўладилар. Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳўжуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва курсаткичлар руйхатини тасдиқлаш тўғрисидаги 250-сон қарорининг 3-руйхати VII бўлимида имтиёзли пенсия олиш ҳўжуқига эга бўлган ўқитувчилар ва бошқа маориф ходимларининг лавозимлар руйхати курсатилган бўлиб, бу руйхатда тренерлик лавозими назарда тутилмаган.

Ислоҳот мевалари

«АРИАН — ҲАФИЗ» КОРХОНАНИ ОЁҚҚА ТУРҒАЗДИ

Иктисодиётни соғломлаштириш, режали ҳаракат, аниқ бизнес мўлжалга боғлиқ. Шу боис инкирозга юз тутган Бобур паррандачилик фабрикаси жамоаси оқинига қарши суза билди. Кейинги тўрт йиллик ҳаракат оёққа туриш, соф даромад олишга имкон яратди.

Муаммолар қаршида эсанқираб қолган тизим корхоналари орасида бобурликлар чаптастлигини очик ошқора намойиш этди. Соҳада тобланган, муайян тажриба ортирган раҳбар Хасан Ҳошиматов этти хазинанинг бири бўлмиш паррандачиликни сақлаб қолиш иложини топти. Энг муҳими, хориж сармоясига таяниш, улар кўмағига оёққа туриш эвини қилди.

Олмониялик ишбилармонлар корхона билан амалий алоқалар истагани билдиришди. Келишувга мувофиқ «Ариан-Ҳафиз» компанияси муайян улуш эвазига акциядорлар қаторидан жой олди. 11 та цех тўлиқ таъмирланиб, 6 та цех тўла қувват билан ишга туширилди. Тўғри, даставвал топилган фойда сарф-харажатлардан ортмай, оёққа туриш пиллапояларига ажратилди. Аини чоғда 74 минг товуқ парвариланаётган цехларнинг 4 таси Россия, 2 таси эса олмон технологияси асосида жиҳозланган. Паррандалар парваришида нуқсонлар олди олиниб, сермахсуллик таъминлаб келинаёпти. Ўтган йили тухум ва пархез гўшт тайёрлашдан 36 миллион сўмдан ошиқ соф фойда

олинди. Бу йил эса бу кўрсаткични анча ошириш учун ҳаракат қилинмоқда. — Корхонамиз ходимлари ижтимоий муҳофазаси, даромади йилдан йилга юксалиб бораёпти, — дейди товуқбоқар Клара Маматқулова. — Аини чоғда ўртача ойлик маош 40 минг сўмни ташкил этаёпти. Энг муҳими, ишлаб чиқаришдаги ютук моддий жиҳатдан рағбатлантириб келинаёпти.

Цехларда 17 мингтагача парранда парваришланаётган. Йилнинг биринчи чорағида 2 миллион 600 минг дона тухум сотилди. Кундалик маҳсулот миқдори 25 минг донани ташкил этаёпти. Аҳолига 3,5 тоннадан ошиқ пархез парранда гўшти сотилди.

Хўжалик кишлоқ инфратузилмасига ҳам улуш қўшиб келаяпти. Хусусан, кўрғон аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларида фаол қатнашди. Хўдуддаги кексалар, кам таъминланган хонадонлар, ногиронларга баҳоли қудрат кўмак кўрсатиб келинаёпти.

Паррандачиликни ривожлантиришнинг истикболли йўллари изланмоқда. Хусусан, 78 мингдан ошиқ жўжа маҳаллий ша-

роитда кўпайтирилган бўлса, 81 мингтасини Тошкент ва Фарғонадаги турдош корхоналардан келтириб, парваришлаш кўзда тутилаётган. Наслдор паррандаларни кўпайтириш эвазига гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш имкониятлари изланмоқда.

Хуллас, «Бобур-Ариан-Ҳафиз» паррандачилик фабрикаси омилиқлик, уздабуронлик боис захматларни энгиб ўтди. Эндиги вазифа гўшт ва тухум маҳсулотлари салмоғини ошириш, реализация тармоқларини кенгайтиришга қаратилмоқда. Бугун Тошкент, Самарқанд, Гулистон шаҳрида махсус савдо шохбчалари ташкил этилиб, Мирзачўл маҳсулоти савдоси қизитилаёпти. Тухумлар донадор, йирклиги, сифати, арзонлиги билан истеъмолчиларга манзур бўлиб келаяпти.

Галдаги вазифалар бисёр. Комплекси тўла қувват билан ишга солиш, маҳсулот хажмини кўпайтириш, ходимлар ижтимоий муҳофазасини янада яхшилашдан иборат. Фабрика ишчиларига махсус хизмат автобуси ажратилган. Улар бепул тушлик билан таъминланаёпти. Эндилда ходимларни соғломлаштириш, мамлакат сihatгоҳларида корхона ҳисобидан дам олдириш ржалаштирилмоқда.

Н.ШАМСИЕВ,
"Ишонч" мухбири



Қарши давлат университети биология-тупроқшунослик факультетининг бир юз эликдан ортик талабалари айна кунларда Якжабоғ тоғларида дала-амалиёт машгулотларини ўтказишяёпти. Уларга таниқли профессор-ўқитувчилар раҳбарлик қилишмоқда.

Дала-амалиёт машгулотлари давомида талабалар дарсларда ўтилган ўсимликларни табиат кўйида ўрғанадилар. Гербарийлар тайёрлаш ҳамда ўсимликларнинг дориворлиги ҳақида излашлар олиб борилади.

Суратларда: талабалар дала-амалиёт машгулотларида.
Ш.ШАРОПОВ
(Ўза) олган суратлар



Қарши давлат университети биология-тупроқшунослик факультетининг бир юз эликдан ортик талабалари айна кунларда Якжабоғ тоғларида дала-амалиёт машгулотларини ўтказишяёпти. Уларга таниқли профессор-ўқитувчилар раҳбарлик қилишмоқда.

Дала-амалиёт машгулотлари давомида талабалар дарсларда ўтилган ўсимликларни табиат кўйида ўрғанадилар. Гербарийлар тайёрлаш ҳамда ўсимликларнинг дориворлиги ҳақида излашлар олиб борилади.

Суратларда: талабалар дала-амалиёт машгулотларида.
Ш.ШАРОПОВ
(Ўза) олган суратлар

Спорт хабарлари

«КОНФЕДЕРАЦИЯЛАР КУБОГИ»

Германияда ўтаётган "Конфедерациялар кубоғи"нинг финалида Бразилия ҳамда Аргентина терма жамоалари ўзаро куч синашди.

Аргентина терма жамоаси ярим финалда Мексикани пенальтилар сериясида 6:5 ҳисобида мағлуб этиб, финалга йўланма олди. Қизикарли ўтган учрашувнинг асосий вақтида дарвозалар даҳлсизлиги сақланиб қолди. Қўшимча вақтда эса жамоалар биттадан тўп киритиб 1:1 ҳисобини қайд этдилар. Учрашувдан сўнг пенальтилар баҳси авжга чиқди. Аргентина дарвозабони битта пенальтини қайтаришга эришди. Пенальтилар бўйича устунликка эга бўлган аргентиналиклар финалга йўл олди. Шунингдек, бугун учинчи ўрин учун Германия ва Мексика терма жамоалари баҳс юритади.

бош мураббийи Альфио Василени таклиф этишни ржалаштирган. Альфио Василе Хорхе Бенитес ўрнини эгаллайди. Келаси ҳафтада у "Бока Хуниорс" клуби билан бир йиллик шартнома имзолайди.

ФОТИХ ТЕРИМ ЯНА ТУРКИЯ ТЕРМА ЖАМОАСИНИ БОШҚАРАДИ

52 ёшли тажрибали мураббий Фотих Терим Туркия терма жамоасига бош мураббий этиб тайинланди. Эрсун Янал ўрнига тайинланган Фотих Терим 2000 йилда "Галатасарой" билан УЕФА кубогини қўлга киритган.

АНДРЕЙ ШЕВЧЕНКО «МИЛАН» УЧУН БЕБАХОДИР

"Милан" жамоаси ҳўжумчи Андрей Шевченко учун "Челси" клуби томонидан таклиф қилинган 85 миллион евродан воз кечди. Роман Абрамович клуби "Милан"га 73 миллион евро таклиф қилди ва Эрнан Креспонинг Миланга ўтшини расмийлаштиришни ваъда қилди. Бироқ, Италия клуби вице-президенти Адриано Галиани Шевченконинг сотилмаслигини маълум қилган.

ТЕННИС

"Уимблдон" турнирида россиялик теннисчи қизларга галабалар ёр бўлмоқда. Турт теннисчи чорак финалга чиқди. Лекин эркаклар ўртасидаги мусобақада бундай натижага эришиб бўлмаёпти. Турнир гуллиялиги асосий даъвогар Марат Сафин испаниялик Феличано Лопесга уч сетда ютқазиб қўйди. Россияликлардан Игорь Андреев, Дмитрий Турсунов, Михаил Южний мусобақани давом эттирмоқда.

Т.ЮСУПОВ
тайёрлади.

АРГЕНТИНА ВА НИГЕРИЯ ЯРИМ ФИНАЛДА

Голландияда ўтаётган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати ҳам ниҳоясига етиб қолди. Чорак финал учрашувиде Нигерия Голландияни пенальтилар бўйича 10:9 ҳисобида мағлуб этди ва ярим финалга йўланма олди. Бу учрашувнинг асосий вақтида 1:1 ҳисоби қайд қилинган эди. Аргентина - Испания терма жамоалари учрашувиде эса аргентиналиклар 3:1 ҳисобида галаба қозониб, ярим финалга чиқди.

МАРАДОНА ЎЗИНИНГ ЯНГИ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ

Аргентина ва жаҳон футболининг порлоқ юлдузларидан бири Диего Марадона яқинда "Бока Хуниорс" клуби вице-президенти этиб тайинланганди. Кучи кеча у ўзининг янги вазифасини бажаришга киришди. У трансфер сўбатиде билан шугулланади. Марадона клубнинг бош мураббийлиги Аргентина терма жамоасининг собиқ

Касаба уюшмалари бугун

ОЙЛИК МАОШ СУД ОРҚАЛИ УНДИРИЛДИ

Ўзбекистон автотранспорт ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши Наманган вилоят вакиллиги ўтган даврда соҳа ходимлари иктисодий-ижтимоий ва ҳўжуқий манфаатларини ҳимоя қилишда бирмўнча ишларни амалга оширди.

Вакиллик биринчи навбатда касаба уюшма ташкилотларининг иш услубларини такомиллаштириб бориб, улар фаолиятини тубдан яхшилашга, мустақиллигини кенгайтиришга, ўз олдиде турган муҳим масалаларни ҳал этишда масъулиятни оширишга йўналтирилди.

Пленум ва Раёсат йўғилишларида жамоа шартномаси, меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат муҳофазаси, соғломлаштириш, оммавий-маданий, спорт тadbирларининг ўтказилиши, касаба уюшма ва ижтимоий суғурта бюджетларининг бажарилиши қаби масалалар кўриб чиқилди.

Кейинги пайтда тармоқ ходимлари манфаатини ҳимоя қилишда жамоа шартномаларидан кенг фойдаланилмоқда. Шартномага иш, дам олиш вақтлари, меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, техника хавфсизлиги сингари кўплаб масалалар киритилиб, уларнинг бажарилиши қаттиқ назоратга олинди.

Вилоят вакиллиги ўтган ҳисобот даврида ўз эътиборини жумладан, тармоқ ходимлари ва уларнинг болаларини соғломлаштириш ва дам олишларини ташкил этишга қаратди. Чунонки, ўтган йиллар давомида 1760 нафар ишчи ходимларнинг фарзандлари дам олдирилди. Шунингдек, меҳнат муҳофазаси

си, ходимларни ҳўжуқий ҳимоялаш, маданий-маърифий, спорт ишларини янада яхшилаш қаби масалаларга алоҳида эътибор берилди. Аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда ўз вақтида маошларини бериб бориш масалаларига ҳам жиҳдий эътибор қаратилмоқда. Кечиктирилган иш ҳақини ундириб бериш бўйича 18 та ташкилот ва корхона раҳбарлигига тақдимномалар киритилди. Натижада биргина «Оқтош» асфальтбетон корхонасида кечиктирилган 6,5 миллион сўм иш ҳақи суд орқали ундириб берилишига эришилди.

Ж.ОБИДОВ

Энг катта савоб

КЕКСАЛАР ДУОСИНИ ОЛИБ

Дунёда кексаларга беминнат хизмат қилиб, савоб олишдан де улуроғ иш бўлмасе керак. Муборак туман ижтимоий таъминот бўлими раҳбари Мухсин Азизов ҳузуриде бўлганимизда, саховатпеша инсонлар ҳақида тўлкинланиб гапирди.

— Ҳамида опа низомовани туманда катта кичик бирдек ҳўрмат қилади, — дейди у. — Бунинг боиси бор албатта. Ўзининг савобли ишлари билан муборакликлар қалбидан чуқур жой олган тadbиркор Ҳамида опа яқинда хайрли ишни амалга оширди. Тумандаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига шахсий жамғармаси ҳисобидан қўриб, фойдаланишга топширилган «Ҳазо» чойхонасига таклиф этиб, бир пиёла чой берди.

Аини пайтда туманда 4800 нафардан ортик нафақахўрлар бўлиб,

уларнинг 3678 нафари ёшга доир, 598 нафари ногиронлик, 504 нафари боқувчисини йўқотганлиги бўйича нафақа оладибатта. 19 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳам бу имкониятдан фойдаланаяёпти. 13 нафар ижтимоий соҳа ходимлари улар хизматига, Tadbirkor ва фермерлар тумандаги ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлганларга оталиқ ёрдами кўрсатиб келаятганликларини ўқисқ қалбларга малҳам бўлаётган. Tadbirkor Ҳамида Низомова ҳам қарийб 20 йилдирки, чўлқуварлар сафиде хизмат қилиб келаятир. У ташландик, кўрмисиз жойни шинам масканга



айлантириб, гулу гулзорларга бурқади. Она юрти Намангандан энг асил гуллардан келтириб ўстирмоқда. — Отам Ҳайдарали Низомов ҳам иккинчи жаҳон урушида қатнашганлар, — дея суҳбатни давом эттирди Ҳамида опа. — Бугун фарзандларим билан бирга раҳматли отамиз хотирасини ёдга олиб, фахрийлар дуосини олганлигимдан кўнглим тоғдек кўтарилди.

Туманда тadbirkorлик билан шугулланиб, эл-юрт қорига ярайдиганлар кўллаб топилди. Сергей Торисов, Файзулла Хўжагелдиев, Жамила Раҳимова сингари тadbirkorлар маҳсулот ишлаб чиқаришда пешқадамлик қилибгина қолмай, ўзларининг хайрли ишлари билан ҳам кишилар кўнглини олмоқдалар.

Ш.СУЛТОНОВ,
"Ишонч" мухбири

ОҚ ЙЎЛ, ЛЕЙТЕНАНТЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент Олий ҳарбий-техника билим юртида навбатдаги битирув маросими бўлиб ўтди.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, Ички ишлар вазирлиги вакиллари, ота-оналар битирувчиларга оқ йўл тилар экан, мустақил юртимизнинг гуллаб-яшнаши, порлоқ келажаги учун Ватан олдидаги бурчларини мардонавор адо этишларида омад тилади.

— Билим даргоҳимиз республикамиздаги энг ёш ўқув масканларидан бири ҳисобланади, — дейди билим юрти бошлигининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, полковник Илхом Эгамбердиев. — Бу йил уни тўрт юздан ортик ёш мутахассис битираёпти. Аини пайтгача мазкур билим юрти ИИВ Ички қўшинлари, Қоровул қўшинлари ва бошқа вазирликлар тизимида уч минг нафарга яқин баркамол офицер кадрларни тайёрлаб берди. Бугунги кунда бу ерда мингдан ортик курсант беш йўналиш бўйича билим олмақда.

— Мен учун бугун унутилмас кун, — дейди лейтенант Нодир Султонов. — Бу ерда биз нафақат билим олиш, балки юртимиз тинчлиги ва осийшталлигини сақлаш, уни турли бало-қазовлардан асраш йўлида куч-ғайратимизни аямаслиқни ҳам чуқур англаб етдик. Менга битирилган ишонч унч командирларимга миннатдорчилик билдираман. Ваъда бериб айтманки, Ватанимга, халқимга садоқат билан хизмат қиламан.

(Ўза)

Тадбир

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ СПАРТАКИАДАСИДА

Жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш, инсон саломатлиги учун кона фойда эканлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Спорт киши...

лейбол, стол тенниси, шохмот, шашка, стритбол мусобақаларида 1000 дан ортик тиббиёт ходимлари ҳамда талабалар ғолиблик учун кураш олиб бордилар.

филиали вакиллари биринчи ўринни эгаллади. Стол тенниси мусобақаларида Амударё тумани жамоаси кучли эканлигини исботлади.

си шохсупанинг энг юкори погонасидан жой эгаллади. Шашка баҳсларида Нукус тиббиёт коллежи жамоаси ғолиб чиқди.



Умумжамоа ҳисобида Шуманай тумани марказий шифохонаси жамоаси биринчи, ТошПМИ Нукус филиали вакиллари иккинчи, Беруний тумани жамоаси кейинги ўринларни эгаллади.

Спартакиада ғолиблари Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Кенгаши томонидан муносиб тақдирланди.

Л.БАЙБОСИНОВА, Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Кенгаши раиси

Корақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Кенгаши томонидан Сихат-саломатлик йилга бағишлаб «Спорт-саломатлик гарови» шiori остида ўтказилган аънавий спартакиада соҳа ходимларининг саломатликларини тиклаш билан бирга марокки хордиқ чиқаришлари учун хизмат қилди. Спартакиада дастуридан ўрин олган во-



БИРИНЧИЛИК БАҲСЛАРИ ЯҚУНЛАНДИ

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида 15 ёш ва ундан кичик бўлган қизлар ўртасида синхрон сузиш бўйича Ўзбекистон биринчилиги баҳслари яқунланди.

Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Касаба уюшмалари Федерацияси, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридagi Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон синхрон сузиш федерацияси кўмагида ташкил этилган мажмуида кўшма баҳсларда юртимизнинг етти вилояти, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган 80 нафарга яқин спортчи сола (яккалик) ва дует баҳслари бўйича ўзаро куч синашди.

Икки кун давом этган мусобақада 1990-92 йилларда туғилган қизлар ўртасидаги яккалик беллашуварларида Анастасия Рузметова биринчи ўринни кўлга киритди. Дует баҳсларида эса Анастасия Рузметова ва Евгения Розанова жуфтлигига тенг келадигани топилмади. 1993 йилда туғилган ва ундан кичик бўлган қизлар ўртасида сола баҳсларида Лилия Гарифулина шохсупанинг энг юкори погонасидан жой олди. Дует беллашуварларида Лилия Гарифулина ва Исмигул Жўрабекова жуфтлиги зафар кўчди.

АВТОПОЙГА

Пойтахтимизда автоспорт бўйича мамлакат чемпионати - «Автомобили-2005» мусобақаси яқунланди. Уни Ўзбекистон мудофасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Республика техника ва амалий спорт турлари маркази ўтказди.

Юнусобод туманидан бошланиб, Тошкент вилояти йўллари бўйлаб ўтган 250 километрли пойдада 68 спортчи ўз маҳоратини синаб кўрди. Беллашувада шахсий кўрсаткичлар бўйича пойтахтликлар Темур Фахриддинов ҳамда Муҳаммад Тулаганов ғолиб бўлди.

Умумжамоа ҳисобида Тошкент вилояти автоспортчилари биринчи, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятлари спортчилари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллади.

Ҳа, ҳеч ким ютқазини истамайди. Майдонга тушган спортчи борки, хоҳ у тақрибли, хоҳ у эндигина ўйин ҳадисини олаётган истейёдо соҳиб бўлсин, ғалаба нашидасини сурсам дейди. Бу хоҳиш-истак турли кўринишларида намойиш бўлади. Кимдир муҳлислар ҳайкиригидан стадион жунбوشга келишини ўйлаб тўп сурса, кимдир ўз дарвозаси хавфсизлигини ҳимоя қилишга интилади.

Футбол

бўлган яна икки жамоа - «Пахтакор» ва «Нефчи» ҳам сафарда тўп сурди. «Пахтакор» Зарафшонда «Қизилкум»ни 1:0 ҳисобида енг-

МАЙДОНДА КУЧСИЗЛАР БЎЛМАЙДИ

Миллий чемпионатимизнинг 12-тури ҳам шундай хоҳиш-истакларни ўзида ифодалади, десак муболага бўлмайди. Бундан бундан урчашувада дуранга имзо чекилмагани ҳам тасдиқлайди. Ҳакамлар томонидан етти ўйинда жами 27 марта сарик карточка кўрсатилиб, «Насаф» футболчиси Р. Бердиев майдондан четлатилгани ҳам урчашулар муросасиз курашлар остида ўтганлигидан далолат беради.

Table with 6 columns: Турнир жадалли, У, Ю, Д, М, Т-Н, О. Lists match results for various teams like Nasaф, Paxtakor, Mashal, etc.

Донишмандлар «дўстларинг кимлигини айтсин, мен сенинг қандай одам эканлигини маълум қиламан», деган. Шу сизгари қўшни Қирғизистон Республикасининг Уш вилоятида туғилиб ўсган Раҳим Шарафиддинов болалигидан бери сифатида тенгдошлари даврасида воёга етганим, ҳуллас, қаерда у бўлса, ўша ерда уруш-жанжал, ур-сур юз бермасдан қолмасди. Ёши етиб армия хизматида чақирилганида, зора ақил қилиб, хизматдан қулоқиброк қайтса, дея умид қилишди. Тўғри, хизматдан янада етилиб, куч-қувватга тўлиб қайтган бўлса-да, ақл-фаросат мазалисида бир нарса дейиш мумкин эди. Анча вақт мошранг қўйлагаси осылган тақинчоларини намойиш этиб юрд-ю, кимдир маслаҳат берганим ёки ўзининг хабли билганим, ҳуқуқ органлари эшигини тақиллатди. Юғуриш, юк кўтариш, турникка осилиш бўйича олган тақинчоларни кўрсатди, юз минг хил вақдалар берди, тўполончи ва жиноятчиларга қарши курашда муросасиз бўлишнинг юз бор тўтдай такрорлади ва ниҳоят, милиция формасини кийишга эришди.

Ички ишлар ходими гувоҳчи бўлган Раҳимнинг ёнига йўлаб бўлмасди. Сал нарсага «умрингни қамқонда чиритиб юбораман», деб дўқ қилишни одатга айлантдири. Узи ана шундай мўътабар ташкилот ходимига сира хоҳ бўлмаган, ҳатто, унинг номига ярашмайдиган хатти-ҳаракатлар билан шуғулланар, ўлгудек ичар, зўд-тўполоннинг бошида юрар эди. Ниҳоят, унинг қоллига сизга қилинган қилқилари раҳбарларига ҳам маълум бўлди ва кўп ўтмасдан органдан қовушини тўғрилаб қўйишди.

Салгина муддат катта охурдан ем ёб ўрганган, кийимини кўриб одамлар хурматини жойига қўйиб юрган Раҳим Шарафиддинов энди ҳеч қаерга сизга қолди. Меҳнатга бўйни ёр бермади. Янгилуғрон туманига кўчиб келишганларидан кейин ҳам яши ишлар билан элга танилиш, хурмат-эйтибор қозониш ўрнига безориликни касб қилиб олганлиги тўғрисида бирон киши бир пилла чойга тақил қилмасди. Юрагида эса тобора алами бола-лаб борар. «Хали кимлигини, қанақа одамлигини ва нималарга қодирлигини кўрсатиб қўйиш»ни дилига тугиб тиш қайради. Бир-икки ҳафта қаерларгадир ғойиб бўлиб кетиб, тағин маҳаллада пайдо бўлиб қоларди. Ана шундай кунларда шундоқ ўзларига даярли қўшни Чортоқ туманининг Алихон қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Деҳқонбод маҳалласида яшовчи Омонулла Хасановда кўштар милтиқ борлигини эшитиб қолди. Атайин поймаб оқшомларнинг бирида Омонулланнинг эшигини тақиллатиб келди ва у билан обдон гаплашиб келишувни пиштиди. Қараб-сизки, О. Хасанов қўлидаги ҳеч қандай руҳсатномаси бўлмаган, яшири сақланаётган ўқотар қурол ҳеч қандай гувоҳларсиз ўттиз минг сўм пулга Раҳим Шарафиддинов қўлига осонгина ўтди-қолди.

Энди ушбу «милтиқ тарихи» ҳусусида бир неча сатр. Раҳим сотиб олган қурол аслида Омонулла Хасановники ҳам эмас эди. Унинг даст-

Сиз кўриб турган ушбу суратлар қадимдан, тарихдан гувоҳ берувчи Ҳазрати Фавсул Аъзам зийратгоҳидир. У Ургут туманининг «Ғус» қишлоғида жойлашган. Ҳазрати Фавсул Аъзам Мухйиддин Саййид Абдулқодир Филоний 1079-1166 йилларда Богдода яшаб ўтган авлиёдир. У «Қодирия» тариқатининг асосчиси, буюк мударрис бўлган. Бугунги кунда ушбу қадамжо эл эйтиборида. У янада кўркамлашган. Озода, таъмирланган. Унда музей ҳам ишлаб турибди. Одамлар эса ҳаммиша гавжум.



Т.НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган сурат

Шарк меъморчилигининг андозалари асосида қурилган муҳташам санъат саройи Бўстон шаҳарчасига ўзгача чирой бағишлайди. Беш юз ўринли томоша зали, хонанда ва музикачилар хоналари, кўп минг нусхадаги адабиётлар жамғармасига эга кутубхона, амфитеатр ва бошқа маданий-маърифий ишхоналар Эллиқалъада халқ фаровонлиги ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Ибрат

уларнинг ижодини рағбатлантириш доимий эътиборда. Нукусда ўтказилган ёш эстрада кўшиқлари кўрик-тан-

МАЪНАВИЯТ КОШОНАСИ

Маданият саройи сахнасида ўзбек ва қорақалпоқ санъатининг фидойилари Байрам Матчанов, Кумуш Раззоқова, Тамара Душимова, Отажон Худойшукуров, Нурилла Кўчқоров сингари забардаст ижрочилар кўшиқ куйлашган. Айни пайтда овул ва маҳаллаларда устоз санъаткорларнинг юзлаб шоғирдлари воёга етиб, мухлисларга завқ-шавқ бағишламоқдалар.

Қорақалпоғистоннинг Эллиқалъа туманида маданият муассасалари фаолияти тобора такомиллаштириляпти. Туман маданият ва спорт ишлари бўлими ходимлари аҳолининг маданий дам олишини ташкил этиш соҳасида муайян ишларни амалга оширишяпти. Хўжаликлар, фермерлар уюшмалари, корхона, ташкилот ва муассасаларда савол-жавоб кечалари, урчашулар, давра суҳбатлари, хайр-саховат концертлари, расомлар асарлари ва китоб кўргазмалари ташкил қилинаёпти.

Ғуза парварини ва галла ўрми-йиғини авж олган кунларда санъаткорлар ва сўз усталарининг иборат гуруҳлар туртизилиб, концертлар, аския кечалари уюштириш аънаана тусини олган. Яқинда ёш санъаткорлар «Бухан-Мерей» хўжалиги чорвадорлари ҳузурда кўшиқ байрами ўтказди. 150 дан ортик чўпон оиласи жойлашган олис масканда яшаётган аҳоли хонандаларининг шўх кўшиқлари, раққосаларнинг дилтортар

Саънат ихлосмандлари орасидан иқтидорли ёшларни излаб топиб,

«ФУТБОЛ ГУНЧАСИ»

Жиззах шаҳридаги «Истиклол» болалар боғининг спорт мажмуида 11-12 ёшли болалар ўртасида «Футбол гунчаси» аънавий республика биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.

Кичиктойларнинг беш кун давом этган катта мусобақасида барча учрашуларни муваффақиятли ўтказган майдон эгалари - жижзахлик ёш футболчилар биринчи ўринга



сазovor бўлди. Иккинчи ўрин Бухоро вилояти ёш футболчиларига насиб этди. Учинчи ўринни Қашқадарё вилояти вакиллари эгаллади.

Ғолиб жамоалар Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон футбол федерацияси, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридagi Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва Жиззах вилоят хокимлигининг махсус дипломлари, эсдалик совғалари билан тақдирланди.

(ЎЗА)

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, «Олмалик тоғметаллургия комбинати» очик акциядорлик жамияти бош директори, тармоқ касаба уюшма Марказий Кенгаши аъзоси Қувондиқ Санакуллова

қизи НИЛУФАР ва набираси ЗУЛФИЗАРнинг бевақт вафот этганликлари муносабати билан чуқур ҳамдардлик изхор этади.

Тошкент вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси «Олмалик тоғметаллургия комбинати» очик акциядорлик жамияти бош директори Қувондиқ Санакуллова

қизи НИЛУФАР ва навараси ЗУЛФИЗАРнинг бевақт вафот этганликлари муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Тошкент вилояти агро-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кенгаши Тошкент Давлат Аграр Университети касаба уюшма кўмитаси бош хисобчиси Қувалдина Зоя Ивановнага турмуш ўртоғи Борис КУВАЛДИНнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Тошкент вилояти Кенгаши вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Юнусхон Шариповга укаси АКМАЛЖОНнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жорня Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари) «Ишонч-Доверие», Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Газета 1991 йил 21 мартдан чика бошлаган; Босишга топшириш вақти - 21.00; Топширилди - 23.00

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134; Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган; ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда; «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.